



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 4 апрель, № 68 (8691)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари пойтахтда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янги таълим ва туризм объектиларида яратилган шароитлар билан танишди, Янги Тошкент шаҳрининг илк иншоотлари қурилишини бошлаб берди.



Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги сўзининг аввалида пойтахт жамоатчилиги билан қўришиб турганидан мамнунлигини таъкидлаб, бугунги кундаги долзарб масалаларга тўхталди. Дунёдаги, жумладан, ҳамкор давлатлардаги вазиятнинг иқтисодий таъминоти, аҳоли даромадларида салбий таъсирини камайтириш энг муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

— Хар қандай бино ташқи таъсирларга бардош бериши учун унинг пойдевори мустаҳкам бўлиши шарт. Мамлакатимиз пойдевори, бу — маҳалла. Маҳалланинг иқтисодий замини мустаҳкам бўлса, одамлар даромади кўпайиб, яхши яшашга ўти, боласини ўқитишга шариоити бўлса, эртанги куни учун хотиржам бўлса, шунда барқарорлик, тараққиёт бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу нуктаи назардан, мутасаддилар фаолиятидаги сусткашликлар, туманларда ишга солинмаётган имкониётлар кўрсатиб ўтилди. Масалан, Тошкент шаҳрида лойиҳа қилиш истадидаги инвестор ва тадбиркорлар кўп. Лекин бунинг учун ер кам. Фойдаланилмаётган жойларни давлат рўйхатида ўтказиш, 979 та ер участкасини аукционга чиқариш, қишлоқ ҳўжалигидан саноат ва аҳоли пункти тоифасига ўтган 175 гектарлик ерни бериш орқали уларга шариоит яратиш мумкин.

Янгиҳаёт туманида 764 гектар ерда “Янги авлод” мах-

сус саноат зонаси ташкил этилмоқда. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар у ерда 2,5 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақдир билдирган. Бу ҳудудда янада кўпроқ лойиҳаларни жойлаштириб, ўн минглаб иш ўрни очиб имконияти бор.

Иқтисодий фаол аҳолидан 80 мингга ишга муҳтож. Шу билан бирга, пойтахтдаги корхона ва ташкилотларда 98 минг бўш иш ўрни мавжуд.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни жилавлалаш ишларини ҳам янги ёндашув асосида қайта қўриб чиқиш зарур.

Тошкент шаҳри аҳолиси турмушини янада яхшилаш учун бу каби қилинадиган ишлар жуда кўп. Шу боис сессияда таъкидлий масала қўрилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажариб келаётган Шавкат Умурзоқов номзодини пойтахт ҳокими лавозимига тавсия этди.

Ш. Умурзоқов 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Кўп йиллар прокуратура тизимида ишлаган. 2018 — 2023 йилларда “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси бўлган. У ўтган йил мартдан буюн Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажариб келмоқда. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам бир йил давомида унинг ишига баҳо бериш учун етарли имкониятга эга бўлди.

Халқ депутатлари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, номзод ҳақида фикрлар

рини билдирди. Овозга қўйиш натижаларига кўра Шавкат Умурзоқов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Тошкентда натижа қилиш учун имконият ҳам, ресурс ҳам, шариоит ҳам етарли экани, бунинг учун шаҳар ва туман ҳокимлари, иқтисодий комплекс вакиллари ўйғониб, катта марралар олиб, қаттиқ ишлаши кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш имкониятлари Юнусобод тумани мисолида таҳлил қилинди.

Сўнгги етти йилда туманга 1 миллиард 700 миллион доллар хорижий инвестиция киритилиб, корхона, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари 3,5 мингтага, иш ўринлари 20 мингтага кўпайди. 6 минг хонадонни янги ўй-жойлар қурилди, 8 мингта янги ўқувчи ўрни ташкил қилинди, 3 та олийгоҳ очилди.

Юнусобод ҳудуди бўйича Тошкент шаҳрида биринчи, аҳоли сони бўйича эса иккинчи ўринда туради. Туманда 64 та маҳалла бўлиб, 376 минг аҳоли истиқомат қилади.

Худуд солиқ тушумлари ҳажми бўйича етакчи. Лекин аҳоли жон бошига ҳисоблаганда жон оқибат. Туманининг пойтахт саноатидаги улуши энг охириги ўринда.

Шулардан келиб чиқиб, аҳоли даромадларини ошириш бўйича ишга солинмаган имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Юнусобод туман

қуриш ҳисобига қўшимча 200 минг квадрат метр ҳосил бўлади.

Ижтимоий соҳада хусусий шериклик лойиҳаларини кўпайтириш орқали ҳам мингта иш ўрни яратса бўлади. Масалан, 7-сонли шаҳар шифохонаси учун янги бино қурилса, бўшайдиган ерда корейлик инвесторлар 420 ўринли кўп тармоқли клиника қуриш ташаббусини билдирган.

Умуман, ўрганишлар асосида Юнусободда 600 миллион доллар инвестиция, 35 мингта юқори даромадли иш ўрни имкониятлари аниқланган.

Хукуматга барча туманларни шу тарзда ўрганиб, Тошкент шаҳрида 250 минг юқори даромадли иш ўрни яратиш, 2 миллиард доллар сармоа жалб этиш чораларини қўриш топширилди.

Саноат, инфратузилма, тадбиркорлик ва коммунал соҳаларда илгор хорижий тажрибани жорий этиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллалардаги ободлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалла раислари ва нурунийлар

милий кадрларимизни тиклаб, кўча бўйлари ва ҳовлиларда гулу райхонлар экиш, дарахт ўстириш, иш-комлар қилиш, озодаллик ишларига бош-қош бўлиши зарурлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида танлов ўтказиб, йил якуни билан энг намунали маҳаллага электромобиль совға қилиш тақдирини билдирди. Бу тақдир олқишлар билан қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш сўнггида Президент халқ депутатлари, маҳалла раислари, зиёлилар ва ёшлар билан мулоқот қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Юнусобод туманидаги 5-умумтаълим мактабда бўлди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислохотлари энг биринчи вазифа этиб белгиланган. Бу борадаги муҳим масалалардан бири — ўқувчи ўринларини кўпайтириш.

Давлатимиз раҳбари янги муассасалар барпо этиш билан бирга, мавжуд мактабларнинг ўзига қўшимча қават ёки ёнидан бино қуриш мақсада мувофиқлигини айтган эди.

Мазкур 5-мактаб илгари 960 ўринли эди. Лекин ўқувчилар сони 2 мингдан ошарди. Шу боис ўтган йили реконструкция қилиниб, қўшимча бинолар қурилди. Натижада 1 минг 700 та қўшимча ўрин пайдо бўлди. Мактабда 65 та ўқув,

12 та чет тили ва 5 та компьютер хонасида замонавий шариоитлар яратилди. Ўқувчиларни аниқ фанлар, муҳандислик ва технологияларга қизиқтирувчи STEM-лаборатория ва спорт зали зарур анжомлар билан таъминланди, коворкинг ва рекреация ҳудуди ташкил этилди. Мактаб кутубхонасида 5 минг 800 дан ортиқ илмий ва бадиий адабиётлар бор.

Бугун мактабда 2 минг 600 нафарга яқин ўқувчилар таълим олмоқда. Ўтган йили 165 нафар битирувчидан 163 нафари олий таълимга ўқишга кирган.

Юртимизда ўғил-қизларни ёшлигидан қасбга йўналтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. 5-мактабда ҳам юқори синф ўқувчилари тикуччилик, пазандачилик, ёғоч ва металлга ишлов бериш қўнимчаларини ўрганипти.

Президент ўшбу тўғараклардаги шариоитларни кўздан кечирди. Тошкент шаҳри директорлар кенгаши аъзолари билан суҳбатда ўқитувчилар меҳнати ва ҳурмати ҳақида сўз борди.

— Шундай вақтлар бўлдики, педагогика эътибор сусайиб кетди. Ҳозир бу шарафли касбнинг нуфузини тиклаш, уларни моддий рағбатлантиришга ҳаракат қилишимиз. Янги Тошкент шаҳри қурилишини ҳам Педагогика университети биносига пойдевор қўйишдан бошламоқчимиз. Чунки янги Ўзбекистоннинг биринчи замини — ўқитувчилар. Шунинг учун улар доим ўз устида ишлаши, билим ва услубларини ривожлантириб бориши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Мактабнинг янги имкониётларидан тўла фойдаланиш, таълим сифатини Президент мактабларида яқинлаштирган тарзда ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва сәнъат мактабини кўздан кечирди. Мактаб ўтган йили республика бюджетни маблағлари ҳисобидан бунёд этилган. 250 ўқувчига мўлжалланган. Жорий ўқув йилида 1-синфга 145 нафар ўғил-қиз қабул қилинган.

Бу ерда ёшлар 12 йўналиш бўйича мактабдан ташқари таълим олади. Ўқувчилар ижодий имтиҳонлар асосида саралаб олинади.

Эллика яқин ўқув ва компьютер хоналари, тадбирлар залида шимна шариоитлар яратилган. Кутубхонада 5 минг 500 дан ортиқ ўқув адабиёт ва нота-лар жамланган.



2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Эхтиром

ХАЛҚИМ ДЕГАН ЗОТЛАРНИ ҲАҚ ҲАМ ҚўЛЛАР ЭКАН-КУ!..

Аср — йиғирма бирдир. Йиғирма тўртдир сана. Дунё алғов-далғову хавф-хатар кўпдир яна. Турфа давлатлар аро қалтис обу ҳаводир, Бошида минг бир ташвиш, минг бир ўй ва хавотир — Йўлбоши эл кезади. Эл дардини сезади. Маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон — Йўлбоши эл кезади. Баҳор кечикди бу йил. Эл ҳам ичикди бу йил. Оруз-ниятлар мўлдор катта-кичикда бу йил. Манзил-бамазил юриб, кўнгилма-кўнгил кириб — Эл ҳаёту турмушини ўз қўзи билан кўриб, Айтмангизким: шунчаки кезиб юрар эл аро, Кезиб ҳам сезиб юрар ҳар тақдир, ҳар дил аро. Эл-улус шоду хандон, бари эл лолу ҳайрон: Бунақаси бизларда бўлмагандир ҳеч қачон! Эл ҳолини эл кезиб билса бўлар экан-ку! Билса бўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!

Президент гаплари — бир миллатнинг дардлари, Президент дардлари — элнинг дардлар дафтери. Ўзбек, рўйи жаҳонда овозанг йўқолмади, Шаънинга отилмаган бир тош ё ўқ қолмади. Нурсиз пайкаллар аро эгилиб эртаю кеч, Сабр косанг тўдди-ю, косанг оқармади ҳеч! Ғариб, тийра уйлариш нурга тўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!

Бу кунларга биз йиллар, кўп йўллар юриб келдик, Ўзимизни ўтга ҳам, чўққа ҳам уриб келдик. Ҳақиқатини гарчи кўп кўрибмиз, бирорларлар, Янги Ўзбекистонда турибмиз, бирорларлар! Сирларё, Сайхунбод — ҳар маҳалла-қўй обод, Бўлмоғи-чун ҳар кўнгил, онгу фикру ўй — обод, Энг аввало, ҳар бир қалб, дилни уйғотиш керак, Ҳар кишини, ҳаммани, элни уйғотиш керак! Чексиз дашту қирларга қўлам келмайин ҳали, Наврўзий насимларинг майин елмайин ҳали — Сурхондан то Хоразм — маҳзун кўнгишларгача, Муноси муаллималар — опа-сингилларгача — Мийлёт-милён дилларга баҳор келар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!

Қаламқош қалдирғочлар — элчи эгачиларинг, Қайта кетди деб сўрар “Ўқчи”, “Эгарчи”ларинг?! Икковни бир эгарини миниб кетди, дер биров, Қодирий музейига тиниб кетди, дер биров. Мозий ишлари гарчи ғайридир, ғайридир, Унга қайтиб иш қўймоқ ҳаминша хайридир. Етсин деб авлодларга бу ўтинч, илтимосини. Мен “Ўткан кунлар”ингдан олдим бу иқтибосини. Тонг саҳар кўрсангизким — бўлмиш бир шаҳар пайдо, Кимни етсам, ёронлар, қўркам бу шаҳар шайло! Бутун эл шоду хандон, халқу халойиқ ҳайрон: Бундайин муъжизани кўрганими ҳеч бир замон? Ҳамшаҳарлар, меҳмонлар барча бирдай ҳайратда: Халқ учун, Ватан учун бу бир шараф, албатта! Эл эгаси эл кезар — сайлабмас ё саралаб, Эл билан суҳбат қувар эл аро, эл орабала. Етти қат фалакларни қўзлаб бўйлар экан-ку, Осмонўпар “сити”лар қурсанг бўлар экан-ку!

Бор-йўғи олти йилми, етти йил бундан бурун, Бир мактабга қиролмай талашган эдик ўрин. Руфат Рискеневдан дил армонларини сўргайсиз, Сўнг Баҳодир Жалолнинг мактабини бир кўргайсиз. Ору номус, матонат замондир бу замон, Бунда эл-юрт муштлари камол топгай бегумон. Қалақалдай қизимиз Дилёра Келдиёрнинг — Зафари шарафидир асида эл-диёрининг. Байроғининг ҳар уйга илса бўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!

Мен давру замонимни шеърга солсам, аввало, Тавалло айлаб келар жалд бобом Тавалло: Биз етмаган кунларнинг ғоясини асрангиз, Яратганинг Ердаги соясини асрангиз! Ўй сен, оламига сочган ёғду, нур-зиё, Ватан — Бобораҳмон Машрабдай азиз, авлиё, Ватан! Ҳар заррай турпоғинг — палл-ҳикмат мактабидир, Ҳар ўғил-қиз, қаронинг — бу Иброт мактабидир. Ёш кўнгишлар шеър айтиб завққа тўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!

Эл кезар бедор, уйғоқ мамлакатнинг эгаси — Не бўлар деб бу халқнинг, бу миллатнинг эртаси? Жиззах кўзголлари шунчаки тарих эмас — Ўй олти минг доғингдир — бағрингдан мангу кетмас. Ўй, янги замонларнинг бекари, тўралари, Ёшдан чиқиди қуллик, қарамлик тўралари? Эй, Ватанда ўзи хон — қўлақис майдонлар, Сизин бедор этмасми шахидлар тўққан қонлар?! Не бўлар деб бу халқнинг, бу миллатнинг эртаси — Эл кезар уйғоқ, бедор мамлакатнинг эгаси. Оллоҳдан иноятдир — гар дилда диёнатдир, Лоқайдлик — хиёнатдир, Ватанга хиёнатдир. Дунёни ушлаб турган уйғоқ диллардир асли, Уйғоқ диллар деганим — уйғоқ эълардир асли. Аммо рўйи заминда жаҳолат ҳам уқламас, Разолат ҳам бедордир, қабохат ҳам уқламас. Ҳўқмол бедор бўлса — миллат гуллар экан-ку! Эл-юрт билар экан-ку! Қилса бўлар экан-ку!

Ўзбек ўз Раҳнамосини “Ота” деб келган доим, Шу эллар, шу юртларни Ўзинг асра Худойим! Йўлбоши эл кезади — гоҳ поезд, гоҳ шёда, Бундай Ватан йўқ бошқа Ер юзида, дунёда. Уйғоқ минорларингдан янграган азонларинг Сехридан жимирлағай юлдузини осмонларинг. Мўбрак кунлар аро бутун халқ — бир кўзу қош, Муфтий ҳазратлари ҳам Йўлбошига сафардош: Шундай замонга етдик армонлар давомида, Дўлар кетар қатор вагонлар маромида, Ризку баракасини Ўзи йўллар экан-ку! Халқим деган зотларни Ҳақ ҳам қўллар экан-ку! Халқ ҳам қўллар экан-ку! Ҳар кунингта шукрлар қилсанг бўлар экан-ку! Билсанг бўлар экан-ку!

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

1 Эски Тошкентнинг Ўқчи, Эгарчи маҳаллалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Б.УМУРЗАКОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ, **Шавкат Буранович Умурзаков** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 3 апрель

Олий Мажлис Сенатида

Маҳаллий вакиллик органлари:

ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ижобий тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўзаро тажриба алмашинув йўлга қўйилган.

Хусусан, куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар, туман Кенгашлари фаолияти билан танишиш мақсадида пойтахтимизда бўлиб турган Жиззах вилояти, туман (шаҳар) Кен-

гашлари депутатлари ва котибият ходимларидан иборат делегация парламент юқори палатасида бўлиб, Сенат фаолияти билан яқиндан



2

ТОШКЕНТ ШАҲРИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Президентимиз санъат маънавий бой авлодни тарбиялашга хизмат қилишини, бунга меҳрни болаликдан бошлаб шакллантириш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда умумий таълим тизими билан муносиқ таълими дастурларини уйғунлаштириш муҳимлиги айтилди. Санъат мактаблари билан олийгоҳлар, театрлар ва бошқа маданият муассасаларининг ҳамкорлиги тизимини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда барча мактаблар чолғу асбоблари билан таъминланиб, ёшларнинг қизиқиш ва истеъдоди ривожлантирилмоқда. Бу анъанавий санъат йўналишлари билан бирга маком, бахшичилик ва мумтоз мусика қадриятларимизни давом эттиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманидаги Гулбозор маҳалласида ҳам бўлди.

Хар бир маҳалланинг ўзига хос анъаналари ва имкониятлари бор. Улар “ўсиш нуктаси”га айлантирилиб, иш ўринлари очиш ва аҳоли даромадларини ошириш манбаи сифатида ривожлантирилмоқда.

Гулбозор Тошкентнинг тарихий қисмида, Чорсу бозори ёнида жойлашган. Бу ерга йилнинг барча мавсумида хорижий туристлар кўп келади. Шу боис ҳудуд туризм хизматлариغا ихтисослаштирилди. Кўча ва уйларда пойтахтнинг қадимги кўринишини сақлаб қолган ҳолда қўшимча шароитлар яратилди.

Хусусан, барча коммуникация тармоқлари ер остидан ўтказилди. Кўча бошида тарихий дарвоза қайта тикланди. Ҳаймакор устунли катта айвон, унга яқин жойларда ҳовузлар барпо этилди. Миллий каштачилик ва ҳунармандчилик устоналари, новвойхона, миллий ошхоналар, заргарлик дўконлари ташкил қилинди. “Нон тарихи” ва “Қадимги Тошкентга саёҳат” номили кўрғазмалар очилди. Уч юлдузли меҳмонхона ҳам бунёд этилмоқда.

Бу кўча Шайхонтоҳур туманида ташкил этилаётган “туризм ҳалқаси”нинг бир қисми бўлади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда сайёҳлар қадимийлик ва миллийлик муҳитини хис этади.

Маҳалла аҳли давлатимиз раҳбарига ҳудуддаги ўзгаришлар, одамлар ҳаёти ҳақида сўзлаб берди. Бу ерда 2 минг 670 нафар аҳоли яшайди. Савдо, ҳунармандчилик ва хизмат кўрсатиш ривожлангани натижасида маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланган. “Хавфсиз ҳудуд” тизими жорий этилган. Бу лойиҳа амалга оширилганидан сўнг барча хонадоннинг даромад топиш имконияти анча ошгани қайд этилди.

Президентимиз миллий кийимлар ва амалий санъат махсулотларини кўздан кечирди, уларни тайёрлаётган ҳунарманд хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада-

ги сумалак сайлида иштирок этди. Онаҳонлар тинч-осойишта юртга байрамлар ярашишини, бунинг учун Яратганга беҳисоб шукр қилишларини айтишди. Шавкат Мирзиёев уларни муборак Рамазон кунлари билан табриклаб, эзгу тилаклар изҳор этди. Халқимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуолар қилинди.

Мутасаддиларга “туризм ҳалқаси”ни давом эттириб, соҳада бандликини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. — Замонавий мажмуалар ҳамма жойда бор. Биз хорижий сайёҳларни буюк тарихимиз билан кўпроқ жалб этишимиз мумкин. Шунинг учун бу ер кечаю кундуз фаолият юритадиган туристик марказга айланиши керак. Бундай этнографик масканларни кўпайтириш, миллий қадриятларимизни намойиш этиш, турли фестиваллар ўтказиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда иқтисодий туризм янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони қабул қилинган эди. Унга мувофиқ туризм масканларини кўпайтириш, ҳудудларни ўзаро боғловчи туризм хизматларини янада кенгайтириш бўйича иш олиб боришмоқда. Бунинг ижросини Гулбозор мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, “Яшил макон” умум-

миллий лойиҳаси доирасида мева-ли ва манзарали дарактлар, гулчечаклар экилиб, маҳаллага файз қўшилмоқда.

Бундан бир йил аввал, 18 март куни Янги Тошкент шаҳрининг қурилишига тамал тоши қўйилган эди.

Бунёдкорлик ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш ва дирекция тuzилиб, лойиҳалаштириш олиб борилади.

Муқаддас Рамазон ойида бу ерда илк иншоотлар қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бу тарихий воқеа эканини таъкидлади.

— Бугун Янги Ўзбекистон университети ва Тошкент давлат педагогика университетининг кампуслари, Миллий кутубхона, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллий маком марказига тамал тоши қўямиз. Янги шаҳар қурилиши илмфан, маънавият масканларидан бошланаётгани бежиз эмас. Булар маърифатли жамият барпо этиш гоъямизнинг асоси ва намунаси бўлади, — деди давлат раҳбари.

Маърифатли жамиятнинг асосий пойдевори мактаб бўлса, муаллим унинг устунидир. Шу боис бу ерда биринчилар қаторида Тошкент давлат педагогика университетининг янги кампуси барпо этилади. У 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 5 минг ўринли ётоқ-

хона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва бошқа объектларни ўз ичига олади. Юқори рейтингли хорижий олийгоҳлар таърибаси асосида “боғча — мактаб — университет” ахлйлигидаги инновацион педагогик кластер ташкил этилади.

Янги Ўзбекистон университети юртимиздаги энг нуфузли олийгоҳ бўлиб, унда муҳандислик, бошқарув, ахборот технологиялари, агротехнологиялар, гуманитар ва табиий фанлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Шаҳарда мазкур университет учун ҳам замонавий кампус қурилади. Хусусан, бу ерда 10 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 1 минг 150 ўринли ошхона, кутубхона ва ихчам музей, спорт мажмуаси, олимпия сузиш ҳавзаси барпо этилади. Шунингдек, талабалар учун 2 минг ўринли ётоқхона, профессор-ўқитувчиларга 286 ўринли турархона қуриб берилади.

Навбатдаги лойиҳа — Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун янги мажмуа. Бу ерда кутубхона фондидан сақланаётган 10 миллиондан ортиқ адабиётларни муносиб сақлаш ва бир пайтнинг ўзига 1 минг 420 нафар китобхонга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилади. Унинг умумий майдони 30 минг метр квадратни ташкил қилади.

Театр санъати халқ маънавияти, ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Янги Тошкентда халқаро талаблар асосида Миллий театрнинг муқташам биноси барпо этилади. Унда санъаткорлар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам ҳар жиҳатдан қўлай шароитлар яратилади. Келгусида у юртимиздаги барча театрлар учун ўзига хос ижодий лаборатория вазифасини бажаради.

Шаҳарда Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, ижод мактаби, Адабиёт музейи ва Миллий маком марказини жамлаган ўзига хос маънавият мажмуаси ҳам қад ростлайди.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуаларнинг имкониятлари ва аҳамиятига тўхталиб ўтди.

— Бугун пойдевори қўйилаётган масканлар кўп йиллар халқимиз маънавиятини бойитиш, ёшларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Янги Тошкент шаҳрининг нафақат юртимиз, балки минтақамизда ҳам чинакам илм-маърифат ва маданият марказига айланишига катта ҳисса қўшади, деб ишонаман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз рамзий тугмани босиб, бинолар қурилишини бошлаб берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБОВ, ЎЗА мухбирлари.

Маҳаллий вакиллик органлари:

ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ

Шу муносабат билан ташкил этилган учрашувда Сенатнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати фаолияти ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги фаолияти ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди. Айни чоғда охириги йилларда Сенатнинг ҳудудлар манфаатини ҳар томонлама ифодалашга уринаётгани, ана шу мақсадда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги сезиларли даражада кучайтирилгани ҳам тилга олинди.

Буни Сенатга келиб тушган 91 та қонун бўйича жойларда маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда 7 мингдан ортиқ муҳокамалар ташкил этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Сенат Кенгашининг 7 мартаба ва кўмиталарнинг 33 марта сайёр мажлислари ўтказилди.

Тадбирда Сенатнинг ялпи мажлисларида маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзоларининг мунтазам иштирок этиши,

сенаторлар орқали ҳудуддаги республика даражасида ечилиши лозим бўлган масалаларни ялпи мажлисга олиб чиқиш ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилиши муҳим қадам сифатида ўғруланди.

Сенат девонида Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ташкил этилиши эса бу борадаги ишларни янада кучайтиради.

Бугунги кунда марказ томонидан маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини рақамлаштириш, уларга ахбороттаҳлилий, илмий-услубий ҳамда халқаро ҳамкорликдаги фаолиятига кўмаклашиш, маҳаллий Кенгашлар депутатлари малакасини ошириш ва янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этиш каби йўналишларда самарали иш олиб боришмоқда.

Самимий кенгаш мулоқот асосида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олиш имконига ҳам эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ЮРТИМИЗДА ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Олий Мажлис Сенати томонидан жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Шу боис ҳам бирон-бир муурожаат эътибордан четда қолиб кетаётгани йўқ. Яъни аҳоли томонидан юборилаётган ҳар бир муурожаат қонунда белгиланган нормаларга мувофиқ тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда кўриб чиқилмоқда. Пировардида аҳоли вакилларини қийнаб келаётган кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Буни фуқаро А. Мухитдинованинг муурожаати мисолида ҳам кўриш мумкин. Аёлнинг муурожаати Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси назоратиға олинган бўлиб, у қисқа фурсатда ҳар тарафлама ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, А. Мухитдинованинг турмуш ўртоғи вафотидан сўнг қайнонаси муурожаатчи фарзандлари билан яшаб турган хонадонни сотиб юбор-

ган. Шундан сўнг аёл 2 нафар вояга етмаган фарзанд билан уйсуз қолади. У олти йил давомида мажбуриятдан фарзандлари билан қариндошлари ва яқин танишлариникида яшаб келган. Ушбу масала яқинда ўзининг ижобий ечимини топди. Сенат қўмитаси ҳамда Юнусобод тумани ҳокимлигининг сайёҳ-ҳаракатлари билан А. Мухитдиновага 2 хонали уй ажратилди.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси Кенгашида

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛАДИ

Бугун юртимизда янги таҳрирдаги Конституция асосида янги ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланимоқда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо ўзига хос механизмлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу, ўз навбатида, Конституциядаги ҳар бир янги нормани амалдаги қонунчиликда акс эттиришини, жамиятимиз ва давлатимиз тараққиётининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадларини Бош қомусимиздан келиб чиқиб белгилашни ҳамда амалга оширишни тақозо этади.

Шу боис аини пайтда парламент томонидан янги таҳрирдаги Конституция асосида мамлакат ҳуқуқий-меъёрий базасини янгилаш ҳамда мутасадди идораларнинг бу борадаги масъулиятини янада ошириш юзасидан тизимли чоралар кўрилиб, самарали парламент назорати рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, мазкур вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг 2023 йил 6 ноябрдаги Қўшма қарори билан Қонунчиликни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Чора-тадбирлар дастури 4 бўлим ва 30 банддан иборат бўлиб, унда 50 дан зиёд қонуларни Конституциянинг янги нормаларига мувофиқлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Уларнинг амалга оширилиши халқимизнинг ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги устувор мақсадларимизни таъминлашга хизмат қилади.

Шу маънода, Чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифалар ижроси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши мажлисларида ҳар чоракда кўриб борилмоқда.

Навбатдаги мажлисда ҳам Чора-тадбирлар дастурининг ижроси ҳар



томонлама муҳокама қилинди. Кайд этилганидек, ўтган вақт мобайнида миллий қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституция талаблари асосида тақомиллаштириш, янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда давлат органларининг фаолиятини йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида Асосий Қонунимизнинг халқчил руҳини аққол ҳис этишини таъминлаш, шунингдек, бу борадаги қонунчилик базасини мустаҳкамлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилган. Хусусан, ўтган даврда дастурдаги 39 та кичик банддан 26 тасининг ижроси таъминланган бўлиб, улар доирасида 3 та қонун қабул қилинди, 2 та қонун Қонунчилик палата-

ТАЛАБЧАНЛИК, МАСЪУЛИК ВА ДАҲДОРЛИК ҲИССИ

Адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг асосий шартига айлантириш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мақсад — инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини қафолатлаш, энг муҳими, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўлиб, ҳозир қонун ижодкорлиги жараёнида ушбу муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ёндашилаётгани диққатга сазовор. Буни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қуни кеча бўлиб ўтган ялпи мажлиси мисолида аққол кўриш мумкин. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид бир қатор қонун лойиҳалари ва долзарб масалалар депутатлар томонидан қатъий талабчанлик, масъулилик ва даҳддорлик ҳисси билан атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фикрлари билан қизикдик.

Сўз — депутатларга

Жавлонбек ЭРҒАШЕВ, Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Давлат мулкчини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қўйиштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдик.

Ушбу ҳужжатнинг бугунги кундаги заруратиға тўхталиб ўтадиган бўлсак, қайд этиш керак, сўнгги йилларда давлат мулкчини тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахсларга ижарага беришда муаяян чоралар амалга оширилмоқда. Бироқ амалда давлат мулкчидан самарали фойдаланмаслик, уни ижарага бериш тартиблари бузилиши билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари ҳам ортиб борапти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига барҳам беришмоқда. Жумладан, унда давлат мулкчини белгиланган тартибда ижара шартномаси тўзмасдан ижарага бериш, ижарага олувчиға ижарага берилган давлат мулкчини қабул қилиб олиши, унинг ҳудудиға кириши ва фойдаланишиға асоссиз равишда тўсқинлик қилиш ёки ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини қамайтириб кўрсатган ҳолда ижарага берганлик каби қоидабузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланяпти.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёниға жиддий ёндашилди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар томонлама мукаммал

қонун қабул қилиш — асосий мақсадимиз. Шу боис ишчи гуруҳи йиғилишларидаги муҳокамаларда депутатлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикр ва тақлифлар атрофлича кўриб чиқилди, лойиҳаға улар асосида тегишли ўзгартриш ва қўшимча ҳамда бир қатор таҳририй тузатишлар киритилди.

Мажлиса депутатларнинг қўпчилиги овози билан қабул қилинган ушбу ҳужжат давлат мулкчидан самарали фойдаланишни таъминлаш, ижараға олувчи шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоясини қафолатлашға хизмат қилади.

Абдумалик АКРАМОВ, Қонунчилик палатаси депутати, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси: — Қўйи палатанинг қуни кеча бўлиб ўтган мажлисида қизгин муҳокама қилинган “Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг тегишли фармонлари ҳамда қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, 3 та кодекс ва 23 та қонунға ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, қонун ҳужжатларида келтирилган “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги”, “Инновацион ривожланиш вазирлиги”, “қасб-хунар таълими”, “олий ўқув юртлари” тушун-

чалари амалдаги қонун ва Фармон талабларига мувофиқлаштирилмоқда.

Вазирлар Мақмааси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси туғтилганлиги боис унинг вазифа ва функциялари тегишинча Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўртасида тақсимланяпти.

Молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотларига бир қатор ваколатлар берилмоқдаки, улар эндиликда педагогик кадрларни таълим ташкилотларига ишға қабул қилиш ва улар фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди. Ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр қилишни ташкил этиб, давлат олий таълим муассасалари ўқув режалари, ўқув дастурларини касбий стандартлар асосида тасдиқлайди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитацияси, шунингдек, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказишнинг янги механизми жорий этилмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси таълим сифатини мониторинг қилиш ва таъминлаш бўйича ҳуқуқий механизмлар янада мустаҳкамланишиға хизмат қилади. Зеро, ёшларимизнинг сифатли билим олишларига зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг салоҳиятларини рўёбға чиқариш амалға оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифасидир.

Мохира ХЎЖАЕВА, Қонунчилик палатаси депутати, Экологик партия фракцияси аъзоси: — Қонунчилик палатаси мажлисида муҳим қонун лойиҳалари билан бирға ўтган ҳафтада Президентимиз раислигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни тақомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифаларға ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу бўйича масъул фракция раҳбарининг муносабатини ҳам эъшитдик.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда дарахт экиш, яшиллик яратиш бўйича ўзига хос тажриба шаклланди. Шу билан бирға, шаҳар инфратузилмасининг ривожланиши, уй-жой

қурилиши, аҳолининг ўсиши билан боғлиқ масалалар доирасида яшил қопламаларни кенгайтиришда илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш мақсадға мувофиқдир.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари йиғилишда Жанубий Корея тажрибаси асосида Тошкент вилоятида яхши тажриба бошланганини қайд этиб, уни барча вилоятларға татбиқ қилиш бўйича кўрсатмалар берди. Бу ташаббус, айтиш мумкинки, кенг жамоатчилик вакиллари ушбу жараёнга янада фаол жалб этиш, ҳудудларни кўккаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш ва натижадорлигини таъминлашға хизмат қилади.

Белгилаб берилган вазифаларға кўра эндиликда янги қурилишлар майдонининг камида 30 фоизига дарахт экиш мажбурияти қўйилиб, объект бу шарт бажарилганидан кейингига фойдаланишға қабул қилинади. Хусусан, бу йил топириллашган 2,5 мингта кўп қаватли уй ҳудудининг 30 фоизига, 38 та “Янги Ўзбекистон” массивининг ҳар бирида камида 1 гектардан яшил хиббонлар, жойларда 444 та яшил боғ, 160 та жамоат парки ташкил қилинади, “Менинг боғим” лойиҳаси ишға туширилади.

Аҳоли ўртасида яшилликни янада кенг тарғиб этиш, ташкилотлар томонидан экилган кўчатларнинг унинг-ўсиши ва тўғри парвариш қилинишиға алоҳида эътибор қаратиш бугунги кунда долзарб бўлиб, бу борада Ўзбекистон Экологик партиясининг ўрни ва роли юқори бўлиши зарурлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилди.

Албатта, ушбу жараёнда биз, депутатлар янада фаол бўлиб, ўз сайлов округларимизда тарғибот тадбирларини ўшоққоқлик билан уюштиришимиз, аинқиса, ёшларда яшиллик, она табиятға меҳр уйғотиш, ёш авлодининг ушбу йўналишдаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлашимиз мақсадаға мувофиқ. Шу билан бирға, бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгариши шароитида яшиллик ва биохимихалликни сақлаб қолиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалға ошириш, кенг кўламли ободонлаштириш ишларини олиб бориш, энг асосийси, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш, тасвирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш аини муддаодир.

«Халқ сўзи».

Факт ва рақамлар

«Яшил макон»
умуммиллий лойиҳаси:ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР,
ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Жорий йилда
“Яшил макон” умуммиллий
лоийҳаси доирасида бир
қатор ишлар амалга
оширилади. Хусусан:

— баҳорда **125 миллион**

туп кўчат экилиши
мўлжалланган;

— фойдаланишга топширила-
диган **2,5 мингта кўп**
қаватли уй ҳудудининг
30 фоизига, 38 та

“Янги Ўзбекистон” массиви-
нинг ҳар бирида камида
1 гектардан яшил хиёбон-
лар ташкил қилинади;

— жойларда **444 та** яшил
боғ ва **160 та** жамоат пар-
кига асос солинади;

— “Менинг боғим” лойиҳаси
ишга туширилади.



ҲАР КИМНИНГ ЎЗ БОҒИ БЎЛСИН!

Олам яралганидан буён инсон табиий муҳитнинг бир бўлаги сифатида яшайди. Ушбу муҳитда экологик мувозанат бузилишида унинг иштирокини бошқа бирор мавжудот билан солиштириб бўлмайди. Бошқачароқ айтсак, инсон ва атроф-муҳит муносабатларида вазият ортга қайтмас чизикқа яқинлашаётганлигига оид юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Табиий мувозанатни асраш йўлида нимани қилиш ва нималарни қилмаслик лозимлиги айти пайтда барчага кундай равшан. Бироқ ҳар бирига ўнлаб сабаб ва баҳоналар топаётган инсон ҳамон табиат билан муроаа йўлини тополмаётганлиги ҳам бор гап.

■ Онажоним, табиат

Эгаси бор дарахт

Нурота туманининг Қўшқудуқ овулидан тўрт чакиримча шимолда Давлат оға Қодировнинг отари жойлашган. Бугун бу ерда унинг набираси Жумабек Давлетов чўпонлик қилиб, ота-бобосининг қасби-ни давом эттириб келади. У шу биёбон-ларни ватан тутиб, ҳар бир гиёҳ ва ҳар бир заррасига боғланганки, жазирама ёзи, ҳаётрон кишидан ҳам ўзича ҳикмат топади.

Аслида ушбу отарнинг Қизилқумдаги юзлаб чўпон манзилларидан деярли фарқи йўқ. Қум барханлари ҳосил қилган тепалиқлар орасига — шомолга пана қилиб уй, кўра-қўтон тикланган. Атрофи саксовул, кўёнсуяк, жузган ва чўпининг бошқа бугта ҳамда ўт-ўланлари билан қоплангани боис унча-мунча бўрон ёки қум кўчкиси қор қилмайди.

Чўпон уйининг супасига қадалиб тўрт туп тут дарахтининг бўй-баста, танасидаги “ажин”ларга назар солган киши уларнинг турли даврларда қадалганини англаши қийин эмас.

— Ҳўв анави улканини Қодир бобом қадаган экан, — дейди Жумабек тупларнинг соддорига ишора қилиб. — Қўй-эчкидан қўриқлай олмаганидан бир эмас, уч марта эккан эмиш. Ниҳоят, танасига кўёнсуякни (сертикан ўсимлик) чирмаб, қар-тайтириб олибди. Ундан кичикроғи Давлат бобомдан, кейингиси эса отамдан эс-далик. Манови кичигини ўзим экканман, томири ҳали сувга етганича йўқ. Шунинг учун тагига офтоба қўйиб, тўкилган-сочилган сув билан улғайтириб оляпмиз.

Жумабекнинг отаридаги кудуддан — салкам эллик беш қулочдан сув чиқади. Анчагина шўр сув чорвани сугоришдан бошқа истеймолга ярамайди. Рўзгор учун ичмиллик суви эса ҳар ой қарийб қирқ километр олисдан автоуловда келтирилади. Ўз ичмиллик суви ҳисобидан чўлда тўрт туп ниҳолни ўстирган бу оддий чўпон сулопаси ҳақда ҳужоя қилишимизга сабаб эса инсон истаса, қақаган чўлда ҳам гўзаллик яратишга қодирлиги, эгаси бор ниҳолга зарар етмаслигини далиллайди.

Глобал замоннинг
глобал муаммоси

Тўғри, юқоридagi мисолда келтирган-нимиз — чўпоннинг бийдек чўлда битта дарахт кўкартиргани глобал миқёсдаги муаммо ечимига кўпма таъсир ўтказмас, лекин биргина шу шижоат унинг таҳдидига бефарқ эмаслигини ифода этади.

Ачинарли мушоҳада шуки, Оролнинг қуриши минтақамизнинг экологик муво-зана-тига ўтган асрининг 60-йилларида тах-дид сола бошлаган. Ўтган олтимиш йил ичида етказилган иқтисодий, ижтимоий ва экологик зарарни аниқ рақамларда ифода этиш мушкул. Бироқ биргина ра-қам — қуриган Орол тубидан кўтарилган қум, тузли чанг миқдори 30 бараваргача ор-тиб кетганлиги натижада юзгага кел-ган тупроқ эрозияси ва ҳавонинг ифлос-ланиши одамлар саломатлигига, турмуш шароитига ва атроф-муҳитга салбий таъ-сир кўрсатди. Оролбўйи минтақасида су-рункали бронхит билан касалланганлар 2010 йили ҳар 100 минг кишининг 521 нафарини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, бу кўрсаткич 1046 тага етди. Мамлакатимиз хилмаҳиллик — ўсимлик ва ҳайвонот оламига катта қирон келиб, Оролбўйида яшаган Осиё гепарди, Кас-пий йўлбарси, Ўстюрт қўлонлари қири-либ кетди. Ҳар йили бўронлар Орол ден-гизининг қуриган тубидан 15 дан 75 млн. тоннагача қум, чанг ва тузли 400 кило-метр-гача Марказий Осиё кенгликларига ёйиб, мисли қўрилмаган экологик фо-жиани вужудга келтирди.

Афсуски, узоқ йиллар ушбу фожи-асоратларини юмшатиш йўлида тас-хир-чан амалий тадбирга қўл урилмади.

Мамлакатимиз раҳбари 2018 йилда Орол денгизининг суви қуриган тубида “яшил қопламалар” барпо этиш таша-бусини илгари суриб, шу асосда юрти-мизнинг барча ҳудудидан махсус техни-калар жалб этилган ҳолда 2018 — 2021 йилларда денгиз чеккидан ҳудуд-нинг 1,7 млн. гектарлик майдонида сак-совул, черкез, қандим каби шўрга ва қур-ғоччиликка чидамли ўсимликлардан ибо-рат яшил қопламалар барпо қилинди.

Муаммони бартараф этишда амалий тадбирлар фурсати етганига ҳалқаро ҳамжамият эътибори қаратилиб, 2021 йилнинг 18 май кuni БМТ Бош Ас-самблеяси 75-сессиясининг ялпи маж-лисида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига кўра, “Оролбўйи минтақасини экологик инно-вациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резо-люция бир овоздан қабул қилинди. Шу тариқа Орол денгизининг қуриган туби-да 2023 йилда 100 минг гектар майдон-да “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмон-зорлари барпо этилди. 2026 йилга бориб эса ушбу ўрмонзорлар ҳажминини 2,5 млн. гектарга етказиш режалаштирилмоқда.

2020 йил 12 февраль кuni “Ўзбекис-тон Республикаси Президенти ҳузурида-ги Оролбўйи халқаро инновация мар-казининг фаолияти самарадорлигини оши-ришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, Орол денгизи қуриши оқибат-ларини бартараф этиш ҳамда сай-ёҳлар сонини кўпайтиришга қаратилган “My garden in the Aral S e a” (“Оролдаги боғим”) агро ва экотуризм лойиҳаси амалга оши-рилди. Шунинг-дек, 2020 йил 6 ок-тябрда “Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳужалиги тизимини 2030 йилгача ри-вожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорига муво-фиқ Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш чора-тадбир-ларини амалга ошириш бўйича “Йўл ҳа-риятси” ҳамда бир қатор муҳим ҳужжат-лар ишлаб чиқилиб, амалда ижроси таъ-минланмоқда.

Хусусан, 2022 — 2026 йилларда Орол денгизининг суви қуриган туби ва Орол-бўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бо-расида БМТ Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ, Ислон тараққиёт банки, ИСВА халқаро маркази билан яқин алоқалар ўрнатилди. БАА, Хитой, Тунис, Швейцария ва Канада олимлари билан биргаликда Оролбўйининг шўрланган ва қумлоқ ерларини тадқиқ қилиш ва “яшил

қопламалар” яратиш юзасидан илмий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Испания, Словакия, Япония, Корея Республи-каси олимлари билан биргаликда чўлбоп ўнлаб дарахт ва буталар ҳамда ўсимлик-ларни маҳаллийлаштириш бўйича синов тадқиқотлари олиб борилди. Қизилқум иклимига мослашган саксовул, қандим ва терескен билан бирга Испания ком-панияси билан ҳамкорликда қуриган ден-гиз туби иқлим-шароитида янги “Атрип-лекс” чўл ўсимлиги ҳам синовдан ўтка-зилди.

Сахронинг
яшил қалқони

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Орол денгизининг қуриган тубида “яшил қоплама”лар ҳосил қилиниши, саксовул-зорлар барпо этиш иккинчи йилданок са-мара бериб, бешинчи йилдан бошлаб 70, ун йилдан кейин эса юз фоизга қадар чанг ва туз бўронлари кўтари-лиши ва қўчишига бар-ҳам берааркан. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги “Республи-ка ҳудудла-ри да ўрмон-зорлар, шунингдек, Орол денги-зи ва Орол-бўйи ҳудудла-рида “яшил қоп-ламалар” барпо этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳужа-лиги тизимини 2030 йилгача ри-вожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорига муво-фиқ Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш чора-тадбир-ларини амалга ошириш бўйича “Йўл ҳа-риятси” ҳамда бир қатор муҳим ҳужжат-лар ишлаб чиқилиб, амалда ижроси таъ-минланмоқда.

Хусусан, 2022 — 2026 йилларда Орол денгизининг суви қуриган туби ва Орол-бўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бо-расида БМТ Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ, Ислон тараққиёт банки, ИСВА халқаро маркази билан яқин алоқалар ўрнатилди. БАА, Хитой, Тунис, Швейцария ва Канада олимлари билан биргаликда Оролбўйининг шўрланган ва қумлоқ ерларини тадқиқ қилиш ва “яшил

қопламалар” яратиш юзасидан илмий ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Испания, Словакия, Япония, Корея Республи-каси олимлари билан биргаликда чўлбоп ўнлаб дарахт ва буталар ҳамда ўсимлик-ларни маҳаллийлаштириш бўйича синов тадқиқотлари олиб борилди. Қизилқум иклимига мослашган саксовул, қандим ва терескен билан бирга Испания ком-панияси билан ҳамкорликда қуриган ден-гиз туби иқлим-шароитида янги “Атрип-лекс” чўл ўсимлиги ҳам синовдан ўтка-зилди.

микроклимининг яхшилаб, яйловларнинг махсулдорлигини оширади. Негаки, сак-совул қорақўн қўйлар ва тўяларнинг озуқа манбаи ҳисобланади. Ўрмон ҳимоя “қа-марлари” тўфайли яйловларни бошқа-риш, яйлов ҳўжалиги амалиётида айлан-ма чўл яйловларни жорий этиш осонла-шади. Аҳамиятлиси, саксовулзор чўлла-ниш жараёнини секинлаштиради, ер устки қисмида шомолнинг тезлигини ка-майтиради, чанг тўзонлари юз бериб ҳавога туз ва қум зарралари кўтари-лишини тўхтатади.

Аёнки, бир туп саксовул ўсимлиги тўрт тонна қум қўчишининг олдини олади, 1 гектар саксовулзор эса йил давомида 1135 кг. карбонат ангидрид газини ютиб 835 кг. кислород ажратади.

Умуман, саксовулни ўзига хос биоло-бораторияга ҳам қийнаш мумкин. Унинг танасида жон саклаб қўйилган трихог-рамалар чўлни бир қатор зарарли ҳаша-ротлардан тозалайди. Унинг намликкача етган илдизлари теграсида (икки квад-рат метр атрофида) мавсумий гиёҳлар озикланади.

Хуллас, ана шундай бекиёс ҳосиятли ўсимлиқни асраб-авайлаш ва қўлайти-ришни ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Уни табиий ва инсон омили билан боғлиқ нобудгарчиликлардан асраш эса жами-ятда экологик маданият юқорилигининг кўрсаткичи. У ҳар бир кишида болалик-дан шаклланиб, табиатга нисбатан меҳр авлоддан-авлодга ўтмоғи лозим. Бу меҳр ва муносабат, аввало, ҳовлимиз, кўча-миз, маҳалламизни озода тутиш, кўка-ламзорлаштиришда ўз аксини топади.

Шу ўринда яна бир ибратли мисол. Қармана туманининг Азамат маҳалласи-да истикомат қилувчи Игитили Тоиров кафтедеккина иссиқхонасида банан, па-пая, апельсин, мадари, лайм каби цитрус мевалар етиштиради.

— Бу кўчатларни 2021 йили томорқа-мизга шунчаки шинавандаликка эккан эдим, — дейди И. Тоиров. — Ҳаммаси тутиб, авваж кирганидан сўнг қўзим қий-май, иссиқхона қурдим. Бу йил биринчи ҳосилини берди...

Чиндан ҳам, қўл қовштириб, осмон-дан чалпак ёғишини кўтиб ўтирадиган даврлар ўтди. Афсуски, ҳайхотдек томор-қасига беда ва макжазўғори экиб, ўрта-сига мол арқонлаб қўйилган, ҳўжақўр-синга кўчат қадаб олди-ортига қарамай кетаётганлар ҳамон ёнимизда. Сизу биз билан бир заминда яшаб, нафас олади. Шундай экан, тоза ҳаво манбаи — яшил-лик ҳаёт абадиёлигининг тантанаси экан, ҳар кимнинг ўз боғи бўлсин!

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

БАНК МУАССАСАЛАРИДА

ТАДБИРКОРЛАРГА МОЛИЯВИЙ КЎМАК

ҲУДУДДА КЎПЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизнинг молия бозорида 33 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки бугунги кунда республика бўйича ўзининг 21 та банк хизматлари марказига эга. Шунингдек, 70 дан зиёд офислари орқали 622 мингдан ортиқ юридик ҳамда жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатиб келаётир.



Нукус шаҳрида “Туронбанк” лойи-ҳалари Қорақалпоғистон ривожига ҳисса қўшмоқда” мавзuida ўтказил-ган пресс-тур доирасида банкнинг узоқ йиллик фаолияти, шу билан бир-га, ҳудудда тадбиркорлиқни ривож-лантиришда маъкур банкнинг ўзига хос ўрни борлиги алоҳида таъкидла-ниб, бу борадаги ислохотлар янги ишга туширилган корхоналар мисо-лида кўрсатиб берилди.

Тадбир аввалида оммавий ахборот воситалари ходимлари “Туронбанк” АТБ Қорақалпоғистон Республикаси банк хизматлари марказининг фао-лияти билан таништирилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йиллар-да Халқаро молия корпорацияси би-лан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қамровли трансформация жараён-лари натижасида банк фаолиятида рақамли технологиялар жорий қили-ниб, миқозларга янада қулай ҳамда тезкор бўлган таклифлар тақдим этилмоқда.

— Банкнинг Қорақалпоғистондаги маркази ҳам, ана 33 йилдирки, ми-жозларимизга беминнат хизмат қилиб келмоқда, — дейди “Туронбанк” АТБ Қорақалпоғистон Республикаси банк хизматлари маркази раҳбари Садик Утемуратов. — Банкнингнинг марказ-ий офисида жорий қилинаётган янги-гилишлар, ўзгаришларни “Турон-банк” акциядорлик тижорат банкнинг ҳар бир бўлинмасида, шу жумладан, Қорақалпоғистондаги марказида ҳам

кўриш мумкин. Аини вақтда биз ҳам ҳудудимиздаги миқозларга самара-ли банк хизматларини кўрсатиш бўйи-ча зарур тадбирларни амалга оши-риб келмоқдамиз. Ўзимизга қарашли 4 та ихчам ва самарадор банк хиз-матлари офисини ташкил қилганмиз. Марказ билан бирга ушбу офислари-миз ҳам жисмоний ва юридик шахс-ларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш бўйича банк хизматларини кўрсатаяпти.

Эътиборлиси, банкмиз кредитла-ридан фойдаланган кўплаб тадбир-корлар янги корхоналар ташкил қилиб, мавжудлари фаолиятини кен-гайтиришаётир. Албатта, янги лойи-ҳаларни ишга туширишда, янги иш ўринлари яратишда банк хизмати, яъни кредитларнинг фойдаси тегаёт-ган экан, биз бундан мамнунмиз.

ОАВ вакиллари юқорида таъкид-ланган “Туронбанк”нинг молиявий кўмаги билан фаолиятини йўлга қўйган ҳамда кенгайтираётган бир неча корхоналарда бўлди.

Дастлабки манзил — Нукус шаҳри-да жойлашган “Kardar academy school” замонавий хусусий мактаби бўлди. 2016 йилда ўқув маркази си-фатида иш бошлаган корхона давлат-миз томонидан яратиб берилган шароитлар натижасида 2020 йилда йирик таълим муассасасини ишга туширди. Бугунги кунда бу ерда 330 нафар бола 1-синфдан 4-синф-гача бошлангич ва 5-синфдан 9-синф-

гача юқори синфларда билим олмақ-да. Хусусий мактаб математика, ин-форматика ва англиз тили фанлари-ни чўқур ўргатишга ихтисослаштирил-ган бўлиб, Буюк Британиянинг



“Cambridge Assessment” методика-си орқали таълим берилади.

Ўқувчиларга кун давомида уч ма-ҳал сифатли махсулотлардан тайёр-ланган иссиқ овқатлар бериб бори-лади. Асосий дарслардан сўнг эса ментал арифметика, шахмат, англиз тили, ракс, хитой тили йўналишлари бўйича тўғарақлар фаолият юритади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, хусу-сий мактабга 60 нафар таҳрибали пе-дагог жалб этилган бўлиб, уларнинг қарийб 70 фоизи олий тоифали ўқитувчилардир.

Албатта, бу каби ишларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарининг

“Нодавлат умумий ўрта таълим ташки-лотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу жараёнга тадбиркор-лик субъектларини жалб қилиш имкони-ятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундан сўнг тад-бир иштирокчилари



ҳисобда 300 нафар хо-дим меҳнат қилаётир. Темир, тахта ва шиша-нинг юздан ортиқ тур-лари мавжуд. Йиллик 20 млрд. сўмлик мах-сулот ишлаб чиқари-лади.

Маъкур лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 1,5 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 1 млн. АҚШ доллари “Турон-банк” АТБ “Нукус” банк хизматлари марказининг кредити ҳисобланади. Молиявий кўмак эвазига Хитой Халқ Республикасида замонавий ускуна ва технологиялар олиб келинган. Махсулотларни қўшни давлатларга

Тадбир давомида “Туронбанк” лойиҳалари Қорақалпоғистон ривожига ҳисса қўшаётгани амалий ишларда намойиш этилди. Албатта, банк томонидан тадбиркорларга молиявий кўмак бериш кўплаб янги иш ўринларини яратиш баробарида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, республика иқтисодиётини оширишга хизмат қилмоқда.

Файрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 14 540 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопийбаит 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкilot жаовбар.

Газета таҳририят марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.20 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6